



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 4 » dekabr

№ 733

Toshkent sh.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

пахта хомашёсини етиштириш ёки фермер хўжаликлари ва бошқа пахта хомашёси етиштирувчи бошқа хўжалик субъектларидан маҳсулот сотиб олиш мақсадида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кластерлари шакллари;

Давлат хизматлари марказига талабгор томонидан пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимликлари билан талабгор ўртасида пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида тўрт томонлама битим (кейинги ўринларда – битим) тузиш тартиби;

пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича пахта-тўқимачилик кластери ва унинг иштирокчилари учун белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар;

пахта-тўқимачилик кластери билан маҳсулот етказиб берувчиларнинг ўзаро муносабатларини бозор тамойилларига асосан ташкил этиш мақсадида фьючерс шартномаси асосида пахта хомашёси етиштирувчилар учун белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этишда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ҳамда тегишлигига кўра

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш ва унинг ер участкаларидан фойдаланиш ва ижара ҳуқуқлари, шунингдек, томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган шартномаларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қафолатланиши;

пахта-тўқимачилик кластерининг битимда назарда тутилган мажбуриятларга риоя этиши ва унинг фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ масалалар бўйича мониторинг юритиш;

пахта-тўқимачилик кластери томонидан битимда назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги тўрт томонлама битимни бекор қилиш (тўлиқ ёки муайян ҳудудга нисбатан) тартиби.

2. Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур низомга мувофиқ тузиладиган пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида тўрт томонлама битим;

пахта-тўқимачилик кластери билан фермер хўжаликларининг пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича тузиладиган фьючерс шартномаси намуналарини ишлаб чиқиб, ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги 397-сон қарори 4 ва 5-бандлари ҳамда қарорга 1–3-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 4 ” декабрдаги 733-сон қарорига
илова

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташқил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

агротехнологик харита – пахта-тўқимачилик кластери томонидан ҳар йили октябрь ойига қадар тасдиқланадиган ҳамда мавсум давомида барча қилинадиган ишлар ва тахминий харажатларни (ойлар кесимида) акс эттирувчи ҳужжат;

ихтисослашув бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш – пахта-тўқимачилик кластерининг бизнес режа ва агротехнологик харитасида кўрсатилган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва етиштириш;

пахта-тўқимачилик кластери – бир ёки бир нечта ташкилотлар томонидан пахта хомашёсини етиштириш ва (ёки) шартнома асосида сотиб олишдан уни, шу жумладан бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида чуқур қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси;

талабгор – пахта-тўқимачилик кластерини ташқил этиш учун ариза берган бир ёки бир нечта юридик шахслар.

3. **Пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги шаклда ташқил этилади:**

қишлоқ хўжалиги **ер участкаларини ижарага олган ҳолда** пахта хомашёсини етиштириш;

қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олмасдан пахта хомашёсини **шартнома асосида** фермер хўжаликлари ва бошқа пахта хомашёси етиштирувчи хўжалик субъектларидан (кейинги ўринларда – пахта хомашёси етиштирувчилар) сотиб олиш;

қишлоқ хўжалиги **ер участкаларини ижарага олган ҳолда** пахта хомашёсини етиштириш ҳамда пахта хомашёси етиштирувчилардан **шартнома асосида** пахта хомашёсини сотиб олиш.

4. Пахта-тўқимачилик кластери билан пахта хомашёси етиштирувчиларнинг ўзаро муносабатлари тарафларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) асосида амалга оширилади.

5. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш **Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

6. Пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида фаолият юритади.

2-боб. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш тартиби

7. Пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида пахта хомашёсини етиштириш учун мўлжалланган ер участкалари негизида мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шаклларда ташкил қилинади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (кейинги ўринларда Уюшма) ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ўзаро келишган ҳолда янги пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиладиган ҳудудлар, уларнинг майдонлари ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотларни **ҳар йили 20 августга қадар** ўзларининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

Бунда, пахта-тўқимачилик кластерлари мазкур Низомнинг 3-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган шаклда ташкил этилаётган бўлса танлов маълумотларида ер участкасининг ўлчами, контури, балл боннитети ва норматив қиймати ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади.

9. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш учун талабгор ихтиёрий равишда **ҳар йили 10 сентябрга қадар** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза билан мурожаат қилади.

10. Талабгор аризада пахта-тўқимачилик кластерининг шакли, пахта хомашёсига бўлган талабининг ҳажми ва ер участкасининг майдонини (ер участкасини ижарага олиш истаги бўлган тақдирда) аниқ кўрсатиб қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

а) талабгорни давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳнома ва устави ҳамда таъсис шартномаси (агар мавжуд бўлса) нусхаси;

б) соҳага оид ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

в) пахта-тўқимачилик кластери фаолияти доирасида зарур бўладиган активлар тўғрисида маълумотлар;

г) талабгор томонидан тасдиқланган, шу жумладан қуйидагилардан иборат бизнес-режа:

пахта хомашёси етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз занжирини, шу жумладан ҳамкорлик асосида ташкил этиш;

механизация даражасини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш, шу жумладан замонавий суғориш усулларида фойдаланиш, ерларнинг унумдорлигини ва мелиорация ҳолатини яхшилаш (қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижарага олувчи талабгор учун);

инвестиция лойиҳалари, шу жумладан уларнинг қувватлари, молиялаштириш манбалари, яратиладиган иш ўринлари ҳамда экспорт прогноз кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар;

д) танловга қўйилган ер участкаси норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ миқдордаги пул маблағлари депозитга қўйилганлиги ҳақидаги банк маълумотномаси (қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олувчи талабгорлар учун).

11. Давлат хизматлари маркази Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **онлайн вақт режимида** талабгор томонидан пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Вазирликка юборади.

12. Вазирлик Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича юборилган аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини **икки иш кунида** кўриб чиқади.

Агар ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда Вазирлик томонидан талабгорга камчиликларни бартараф этиш учун **беш иш куни** берилади. Бунда, ушбу муддат ўтгандан кейин талабгор томонидан етишмайдиган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, Вазирлик аризани қайтаришга ҳақли.

13. Вазирлик **беш иш кунида** Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ ва камчиликларсиз тақдим қилинган аризани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни Республика комиссиясига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади.

14. Республика комиссияси котиби пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш учун йиғилиш вақти ҳақида Республика комиссияси аъзоларига хабарнома юборади.

15. Республика комиссияси йиғилишлари унда аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли (кворум) ҳисобланади.

16. Республика комиссияси хулосаси қарор шаклида комиссия аъзоларининг кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Бунда, Республика комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга ва уларнинг овоз бериш жараёнида бетараф қолишига йўл қўйилмайди.

17. Республика комиссияси келиб тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, аниқ асосларни кўрсатган ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

талабгорларнинг аризаларини рад этиш тўғрисида;

энг яхши таклиф фойдасига ижобий ва қолган таклифлар юзасидан салбий қарор қабул қилиш.

18. Республика комиссияси талабгорларнинг аризаларини **ҳар йили 1 октябрга қадар** кўриб чиқиб, энг мақбул таклиф фойдасига қарор қабул қилади. Бунда талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги давлат органлари ва идораларининг электрон маълумотлар базалари орқали текширилиши мумкин.

19. Республика комиссияси томонидан талабгорларнинг аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Вазирлик **икки иш кунинда** пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиладиган ҳудудлар, уларнинг майдонлари ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтида қайта эълон қилади.

Бунда, аризалари рад этилган талабгорлар Республика комиссияси қароридаги камчиликларни тузатган ҳолда пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича **бир ой муддатда** ариза беришлари мумкин.

Қайта танлов юзасидан келиб тушган аризалар мазкур Низомнинг 12-17-бандларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

20. Вазирлик **бир ой муддатда** Республика комиссияси йиғилишининг ижобий қарорига мувофиқ пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

21. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжати қабул қилингандан сўнг:

уч иш кунинда Вазирлик талабгорларни, уларнинг аризалари қаноатлантирилганлиги тўғрисида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали белгиланган тартибда хабардор қилади;

беш иш кунда Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан талабгор ўртасида пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида **ўттиз йил** (талабгор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ёки чет эл юридик шахси бўлган тақдирда **йигирма беш йилгача** бўлган) муддатга тўрт томонлама битим (кейинги ўринларда – битим) тузилади. Бунда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластери битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин битимни янгилашда ушбу пахта-тўқимачилик кластери бошқа тенг шароитларда устунлик ҳуқуқига эга бўлади;

уч иш кунда пахта-тўқимачилик кластери тегишли туман (шаҳар) ҳокими билан ер ижараси шартномаси тузади (пахта-тўқимачилик кластери ер участкасини ижара олган ҳолда ташкил этилган тақдирда).

Бунда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан, истисно тариқасида, фақат қуйидаги ҳолларда ер участкалари тўғридан-тўғри ижарага берилади:

ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридagi пул маблағи депозитга қўйилганда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимининг таклифига асосан;

энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун – лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисобрақамга жойлаштирилганда;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга – ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари).

22. Битимда қуйидагилар назарда тутилади:

битимнинг предмети;

ташкил этилаётган пахта-тўқимачилик кластери шакли;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

битимда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги;

пахта-тўқимачилик кластерининг йиллар кесимида инвестициялар киритиш ва иш ўринларини яратиш ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари;

аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда ҳар йили пахта-тўқимачилик кластерининг фаолиятини таҳлил қилиш, битим, шу жумладан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши, самарадорлик ва молиявий аудитни амалга ошириш шартлари;

битимни бекор қилиш шартлари;

низоларни ҳал қилиш тартиби;

мажбуриятларни бузиш ҳолатларини аниқ белгилаш;

битим тузилган сана ва жой, тарафларнинг реквизитлари, почта манзиллари.

Томонларнинг келишувига кўра битимда бошқа қўшимча шартлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

23. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг келишувига кўра амалга оширилади.

24. Тарафлардан бирининг битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифи қолган тарафлар томонидан рад этилган тақдирда, ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилиниши мумкин.

25. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш тартиби ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3-боб. Пахта-тўқимачилик кластерининг ҳуқуқлари

26. Пахта-тўқимачилик кластери куйидаги **ҳуқуқларга** эга:

ўз фаолиятини юритишда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини, тижорат банкларидан оладиган кредитларни, ўзининг тасарруфидаги кўчмас мулк объектларини, техника воситалари ва ишлаб чиқариш технологиялари асбоб ва ускуналарини суғурталашда мустақил равишда хоҳлаган суғурта ташкилоти хизматларидан фойдаланиб амалга ошириш;

зарурат бўлганда, агротехнологик харитага ўзгартиришлар киритиш;

ғўза навлари уруғлик чигитларини мустақил равишда ишлаб чиқариш;

сув ресурсларини ўз вақтида етказиб беришни мутасадди ташкилотлардан талаб қилиш;

пахта хомашёсини ўзининг ёки ижарага олинган пахта тозалаш заводида ёхуд тегирмон усулида дастлабки қайта ишлашни амалга ошириш;

етиштирилган пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эркин тасарруф этиш (пахта толасини экспорт қилиш бундан мустасно);

ишлаб чиқарилган пахта толасининг ўз ишлаб чиқариш қувватлари эҳтиёжидан ортиқ қисмини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш;

пахта хомашёсидан олинадиган чигит ва бошқа маҳсулотларни мустақил равишда қайта ишлаш ёки уларни, шу жумладан қайта ишланган маҳсулотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш.

Пахта-тўқимачилик кластери қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олган ҳолда ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги қўшимча ҳуқуқларга эга:

ғўза навларини мустақил жойлаштириш;

ажратилган ер участкаларида алмашлаб экишни жорий этган ҳолда, ушбу ерларнинг контурларини тузиш;

тасдиқланган агротехнологик харитадаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли молиявий ресурслардан фойдаланиш;

минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини импорт қилиш;

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бозор тамойилларига асосланган кластер – фермер, кластер – деҳқон хўжалиги, кластер – оилабай пудрат ва қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг бошқа замонавий усулларини жорий этиш;

ўзига бириктирилган ер участкаларини шартномага асосан юридик ва жисмоний шахсларга **бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижара** (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) асосида бериш.

28. Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини **ижарага олмасдан ташкил этилган** пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги қўшимча ҳуқуқларга эга:

ўзи фаолият юритаётган ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, бўшаган ер участкасини қайта ижарага беришда тенг шароитларда устунлик ҳуқуқидан фойдаланиш;

пахта хомашёси етиштирувчиларга ғўза навларини жойлаштириш бўйича тавсия бериш;

пахта хомашёси етиштирувчилардан тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилиш;

пахта хомашёси етиштирувчиларга янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа зарур товарларни харид қилиш ва технологияларни жорий қилишда кўмаклашиш;

пахта хомашёси етиштириш учун ер участкасини, шу жумладан қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер участкасини ижара шартномаси асосида ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш;

пахтадан юқори ҳосил олган пахта хомашёси етиштирувчиларни рағбатлантириш.

4-боб. Пахта-тўқимачилик кластерининг мажбуриятлари

29. Пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги мажбуриятларга эга:

бизнес-режа ва битим параметрларига риоя қилиш ҳамда бир йилда камида бир марта ҳисоботларни Вазирликка, Уюшмага ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этиш;

ажратилган имтиёзли молиявий ресурслардан тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ фойдаланиш;

пахта хомашёси етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини, шу жумладан кооперация асосида ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш;

рақамли ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Уюшма билан пахта-тўқимачилик кластери ўртасида тузилган аъзолик шартномалари доирасида олинган мажбуриятни бажариш ҳамда аъзолик бадалларини белгиланган муддатларда тўлаб бориш.

Пахта-тўқимачилик кластери қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олган ҳолда ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги қўшимча мажбуриятларга эга:

пахта етиштиришда механизация даражасини ошириб бориш ҳамда сув тежайдиган замонавий суғориш технологияларини жорий этиш;

ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш, тупроқ таркибини лабораториядан ўтказиш;

ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, балл бонитетини доимий назорат қилиб бориш.

31. Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олмасдан ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери қуйидаги қўшимча мажбуриятларга эга:

ўзи фаолият юритаётган ҳудуддаги пахта хомашёси етиштирувчилар билан пахта хомашёсини сотиб олиш бўйича шартнома тузиш;

пахта хомашёси етиштирувчилар билан тузилган шартнома талабларига қатъий риоя этиш;

пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича барча тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш ҳамда зарур товар ва материалларни етказиб бериш (агар шартномада пахта хомашёси етиштиришни молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластери томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса);

пахта хомашёси етиштирувчилар томонидан етиштирилган пахта хомашёсини шартномада белгиланган нархларда сотиб олиш ва якуний ҳисоб-китобларни **ҳосил йиғиб олинган йилнинг 31 декабрига қадар** амалга ошириш.

5-боб. Пахта хомашёси етиштирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

32. Пахта хомашёси етиштирувчилар қуйидаги **ҳуқуқларга** эга:

ўзи фаолият юритаётган худудда (тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) исталган пахта-тўқимачилик кластери билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда шартнома тузиш;

тасдиқланган агротехнологик харитадаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли молиявий ресурслардан фойдаланиш;

ўз фаолиятини юритишда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини, тижорат банкларидан оладиган кредитларни, ўзининг тасарруфидаги кўчмас мулк объектларини, техника воситалари ва ишлаб чиқариш технологиялари асбоб ва ускуналарини суғурталашда мустақил равишда хоҳлаган суғурта ташкилоти хизматларидан фойдаланиб амалга ошириш;

сув ресурсларини ўз вақтида етказиб беришни мутасадди ташкилотлардан талаб қилиш;

тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ ажратилган имтиёзли молиявий ресурслардан фойдаланиш;

ўзига бириктирилган ер участкаларини шартномага асосан юридик ва жисмоний шахсларга **бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижара** (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқсиз) асосида бериш.

Пахта хомашёси етиштирувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Пахта хомашёси етиштирувчилар қуйидаги **мажбуриятларга** эга:

пахта-тўқимачилик кластери билан тузилган шартномага қатъий амал қилиш;

ажратилган имтиёзли молиявий ресурслардан тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ фойдаланиш;

етиштирган пахта хомашёсини шартномада белгиланган нархларда сотиш;

пахта етиштиришда механизация даражасини ошириб бориш ҳамда сув тежайдиган замонавий суғориш технологияларини жорий этиш;

ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш, тупроқ таркибини лабораториядан ўтказиш;

ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, балл бонитетини доимий назорат қилиб бориш.

Пахта хомашёси етиштирувчилар қонунчилик ҳужжатлари ва пахта-тўқимачилик кластери билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-боб. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

34. Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

пахта-тўқимачилик кластеридан бизнес режа ва инвестиция лойиҳаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни талаб қилиш;

битимни бекор қилиш тўғрисида асослантилган таклифларни Республика комиссиясига киритиш.

Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қонунчилик ҳужжатлари ва пахта-тўқимачилик кластери билан тузилган битимга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

35. Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

битимда назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш мақсадида хўжаликлараро ирригация ва мелиорация иншоотларини капитал таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга оширишда кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаб чиқариш объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишига кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик кластерига имтиёзли ва тижорат кредитлари, шунингдек, субсидия ва компенсациялар берилишига кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик кластерининг пахта хомашёси етиштирувчилар билан боғлиқ муносабатларини барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик кластери ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш.

Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қонунчилик

ҳужжатлари ва пахта-тўқимачилик кластери билан тузилган битимга мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-боб. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятининг кафолатлари

36. Пахта-тўқимачилик кластерининг ер участкаларидан фойдаланиши ва ижара ҳуқуқлари, шунингдек, томонлар келишуви бўйича тузилган шартномалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кафолатланади.

37. Пахта-тўқимачилик кластерига ажратилган ер участкалари мазкур Низомнинг 40-бандида ва битимда назарда тутилган асослардан ташқари бошқа асослар билан қайта тақсимланиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

8-боб. Пахта-тўқимачилик кластери фаолияти мониторингини юритиш

38. Вазирлик Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта-тўқимачилик кластери томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятлари, шунингдек, шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши ва пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан бир йилда камида бир марта мониторинг ўтказади.

Бунда, Вазирлик пахта-тўқимачилик кластерининг бизнес-режа ва битим ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритади.

39. Вазирлик Уюшма, тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари билан биргаликда таҳлилий маълумотлар асосида соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

40. Вазирлик Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганиб, мониторинг натижаларини ҳисобот йилининг охирида Республика комиссиясига тақдим этиб боради.

9-боб. Битимни бекор қилиш тартиби

41. Қуйидагилар битимни бекор қилишга (тўлиқ ёки муайян ҳудудга нисбатан) асос бўлади:

пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда бекор қилинганда;

битим тарафи бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тугатилиши;

битим тарафи бўлган тадбиркорлик субъектларининг битимни бекор қилиш бўйича Вазирликка, Уюшмага ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига мурожаатлари;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан битимда назарда тутилган мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаганда (форс-мажор ҳолатлар ва (ёки) ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келадиган ҳолатлар бундан мустасно);

пахта хомашёси етиштирувчиларнинг **учдан икки қисми** пахта-тўқимачилик кластери томонидан шартнома муносабатларини уч йил давомида бажарилмай келганлигини асословчи ёзма мурожаатлари бўлганда.

Битимни мазкур бандда ва битимнинг ўзида кўрсатилмаган бошқа асосларга кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур банднинг **иккинчи – тўртинчи хатбошиларида** кўрсатилган ҳолларда битимни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур банднинг **бешинчи ва олтинчи хатбошиларида** кўрсатилган ҳолларда битимни бекор қилиш Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг мурожаатларига асосан **суд томонидан амалга оширилади.**

42. Мазкур Низомга 40-банднинг **бешинчи ва олтинчи хатбошиларида** кўрсатилган ҳолларда Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг **битимни бекор қилиш** тўғрисидаги мурожаатлари ёзма равишда Вазирликка юборилади.

Вазирлик **уч иш кунида** мурожаатни ўрганиб чиқиб, таҳлилларга асосланган таклифларни Республика комиссиясига қарор қабул қилиш учун киритади.

43. Республика комиссияси **битимни бекор қилиш** масаласини кўриб чиқиш учун йиғилиш вақтини белгилайди ва бу ҳақида Республика комиссияси аъзоларига хабарнома юборади. Бунда Республика комиссиясининг қарори мазкур низомнинг 16 ва 17-бандларида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

44. Республика комиссияси **икки ҳафта** муддатда мазкур низомга 40-банднинг **бешинчи ва олтинчи хатбошиларида** назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда **битимни бекор қилиш** тўғрисида Вазирликка, Уюшмага ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тавсия беради.

45. Вазирлик ёки Уюшма ёхуд тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Республика комиссиясининг тавсиясига асосан **икки иш кунидан кечиктирмай битимни бекор қилиш** тўғрисида судга мурожаат қилади.

46. Суднинг **битимни бекор қилиш** тўғрисидаги қарори пахта-тўқимачилик кластерига ҳамда Вазирлик ёки Уюшма ёхуд тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

47. Пахта-тўқимачилик кластери билан тузилган битим бекор қилинган тақдирда, Вазирлик томонидан уларнинг кластерлик фаолиятини тугатиш юзасидан **бир ой муддатда** тегишли ҳужжат лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Фаолияти тугатилаётган пахта-тўқимачилик кластерига тугатилаётган йилдаги мавсум бўйича пахта ҳосилини тўлиқ йиғиб (сотиб) олишга рухсат берилади.

48. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини тугатиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилади.

49. Вазирлик пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини тугатиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг, **уч иш кунидан** бу ҳақда фаолияти тугатилган пахта-тўқимачилик кластерини хабардор қилади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

50. Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятида вужудга келадиган низолар қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низомда назарда тутилган қоидалар асосида белгиланган тартибда ҳал этилади.

51. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисида низомга
илова

Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташқил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
1-босқич	Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Янги пахта-тўқимачилик кластерлари ташқил этиладиган ҳудудлар, уларнинг майдонлари ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.	Ҳар йили 20 августга қадар
2-босқич	Талабгор (жисмоний ёки юридик шахс)	Пахта-тўқимачилик кластерини ташқил этиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза билан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.	Ихтиёрий равишда, ҳар йили 10 сентябрга қадар
3-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгор томонидан пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташқил этиш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Вазирликка юборади.	Онлайн вақт режимида
4-босқич	Вазирлик	Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пахта-тўқимачилик кластерларини ташқил этиш бўйича юборилган аризаларни қабул қилади ва уларга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади.	Икки иш кунида

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
5-босқич	Вазирлик	Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ ва камчиликларсиз тақдим қилинган аризаларни ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатларни Республика комиссиясига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади.	Беш иш кунда
6-босқич	Республика комиссияси	Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича тақдим этилган аризаларни ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, энг мақбул таклиф фойдасига ижобий қарор қабул қилади.	Ҳар йили 1 октябрга қадар
7-босқич	Вазирлик	<p>1. Республика комиссияси томонидан талабгорларнинг аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Вазирлик пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиладиган ҳудудлар, уларнинг майдонлари ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтида қайта эълон қилади.</p> <p>2. Республика комиссияси йиғилишининг ижобий қарорига мувофиқ пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.</p>	Икки иш кунда Бир ой муддатда
8-босқич	Вазирлик	Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, талабгорларни уларнинг аризалари қаноатлантирилганлиги тўғрисида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали белгиланган тартибда хабардор қилади.	Уч иш кунда
9-босқич	Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Талабгор билан пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида ўттиз йил (талабгор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ёки чет эл юридик шахси бўлган тақдирда йигирма беш йилгача бўлган) муддатга тўрт томонлама битим тузади.	Беш иш кунда

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
10-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ янги ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери билан ер ижара шартномасини тузади (пахта-тўқимачилик кластери ер участкасини ижара олган ҳолда ташкил этилган тақдирда).	Уч иш кунда

